



IMOM BUXORIY XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI
IMAM BUKHARI INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH CENTER

Imom Buxoriy saboqlari

Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-adabiy jurnal
Spiritual and educational, scientific-literary journal

№ 4 / 2021

IMOM BUXORIY
XALQARO ILMIY-
TADQIQOT MARKAZI –
YANGI
O'ZBEKISTONNING
YANGI TIMSOLI

Ушбу сонда:

Шовосил ЗИЁДОВ. Китоб савдоси борасида қўлёзмалардаги айрим қайдлар.....	4
Отабек МУҲАММАДИЕВ. Аҳли сунна вал жамоа ақидасини тарғиб этишда “Лубобул калом” асарининг аҳамияти.....	6

АЖДОДЛАР ИЛМИЙ МЕРОСИ

Феруза НИЗАМОВА. Хусрав Дехлавий ижодининг тарихига чизгилар.....	9
Илҳом БЕРДИЯРОВ. Мовароуннаҳрлик фақиҳларнинг асарларида келтирилган молиявий масалалар.....	10
Зебинисо ХУРРАМОВА. Абдушукур Қори Яхшибоевнинг лирик мероси: матний тадқиқ ва таҳлил.....	12
Хуршида НАЗИРОВА. «Хусайн Хоразмий» ҳақида янги мулоҳазалар.....	14
Каромиддин ЖАМАҲМАТОВ. Ҳожи Муҳаммад Шаҳдий ижодининг жанрий таркиби ва унинг ирфоний талқини.....	16
Мавзуна ШЕРОВА. XI-XII асрларда Мовароуннаҳр арабийзабон адабиётидаги дидактика жанри хусусида айрим мулоҳазалар.....	17
Behzod RUSTAMOV. Navoiy tasavvuf va falsafa.....	19
Азиза ҚАЮМОВА. Абу Зайд Муҳаммад ибн Халдуннинг илмий мероси.....	21

НОДИР МАНБАЛАР

Нигора ЮСУПОВА. Бурҳониддин Марғинонийнинг ал-Ҳидоя асари муҳим фикҳий манба сифатида.....	23
Муслим АТАЕВ. “Ал-асъила ва-л-ажвиба”нинг илмий танқидий матнини тузиш тамойиллари.....	25
Акмалхон АКМАЛХОНОВ. Абу Яъқуб Саккокий “Мифтаҳу-л-улум” асарининг қўлёзма нусхалари ҳақида....	27
Баходиржон АЗАМОВ. Ҳаким Термизийнинг “Ал-Амсол минал-китоб вас-сунна” асарининг қўлёзма ва замонавий нашрлари тавсифи.....	28
Йўлдошхон ИСАЕВ. Замахшарийнинг “Атвоқу-з-заҳаб” асарининг икки нодир қўлёзма нусхаси.....	30
Нодир ҚОБИЛОВ, Ирода ДАУРБЕКОВА. “Саҳиҳул Бухорий”нинг Мақдисий қўлёзма нусхаси”нинг тавсифи...	31
Нигора ХАКИМОВА. Қафол Шошийнинг “Маҳосин” асарида ҳусн ва қубҳ масаласи.....	33
Ферангиз КАЛАНДАРОВА. “Тарихи салотини Манғития”да амирликнинг давлат бошқаруви масалаларининг ёритилиши.....	35
Ильгам САБАНЧИН. Причина написания книги «Аль-Барк аль-Вамид аля аль-Баид аль-Мусамма би-н-Накыд» Ш.Марджани.....	38

ВАТАНИМИЗ ТАРИХИ

Жамшид ШОНАЗАРОВ. Икки буюк саркарда: Амир Темур ва Йилдирим Боязид.....	39
Фаррух АҚЧАЕВ. Жиззах воҳаси аҳолисининг мотам ва хотира маросимлари хусусида.....	40
Нодира СУЛТОНОВА. Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий жараёнларни амалга оширишда миллий кадрятларнинг ўрни.....	42
Дилноза ЖАМОЛОВА. Бухоро жадидларининг “Тарбияи атфол” жамияти ва унинг Истанбулдаги шахобчаси...	43
Алишер САНДИБОЕВ. Шовдор рустоқи ва унинг локализациясига доир янги маълумотлар.....	46
Янгибой ТУРДИМУРАТОВ. XX аср бошларида Сурхон-Шеробод воҳасининг этноиқтисодий тизимида чорвачилик.....	47
Ихтиёр КУШШАКОВ. “Чорчинор” эпиграфик ёдгорликлари.....	49
Xurshid JUMANAZAROV. O'zbek xalqining tabobat tarixiga nazar.....	51
Юлдаш ЮЛДАШЕВ. Хива хонлари архиви ва унинг ўрганилиши.....	53
Ахрор ЭШМУҲАМАТОВ. Жиззах воҳаси аҳолисининг “чорва ҳисоби” билан боғлиқ тақвимлари.....	54
Феруз НАРМАНОВ. XX асрнинг 20-30 йилларида маданий-маърифий муассасаларнинг таснифи ва ўзига хос хусусиятлари.....	56

Одилжон ИНОМОВ. Қовунчи маданияти аҳолисининг тили масаласи.....	58
Ахмаджон ХУДАЁРОВ. Ўзбекистонда солиқ тизимини тубдан янгилаш борасидаги давлат сиёсати, унинг ҳуқуқий-меъёрий асослари ва институционал тизимининг вужудга келиши.....	61
Ғайрат ХАМРАЕВ. Қушбеги лавозимининг Бухоро амирлиги бошқарув тизимида тутган ўрни хусусида.....	63
Бахтиёр РИЗАЕВ. Миграция населения в ближнем и среднем востоке VII-XVI века.....	64
Фируза ШИРИНОВА, Саодат ҲАМРОЕВА. Тарихий Манғит амирлари давлатчилиги: ворисийлик ва замонавийлик.....	65
Нафиса ВАЛИЕВА. Ислом мактаблари. Совет ҳукуматининг ислом маданияти ва эътиқоди борасидаги сиёсати.....	68

ИСЛОМ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

Адхам АШИРОВ. Ислом динида сувга муносабат.....	69
71..... علوم الوحى والعلوم الإنسانية . ادأدهم تمام فراج .	
Мухтор НАЗИРОВ, Мейербек ЕРГАШБАЕВ. Замонавий халқаро муносабатларда мусулмон дунёсининг ўрни.....	73
75..... سالم عينوللين . شبهة عدم التخرج للإمام أبى حنيفة فى الكتب الستة والرد عليها .	
Иргаш ДАМИНОВ. Мўътазилийлик ақидаси: шаклланиши, ёндашувлар.....	78
Ro'zimuhammad TO'XTASINOV, Dilovar SULTONOVA. Movarounnahr fiqh manbalarida ayollarning ziyatlanish me'yorlari.....	80
Sa'dulla BOVOXODJAYEV. Sharqda hadissunoslik ilmining yuzaga kelishi.....	81
Гулноза АЛИЖОНОВА. Ризоуддин ибн Фахриддиннинг “Кутуби ситта ва муаллифлар” асарида ҳадис тушунчаси ва илмининг ёритилиши.....	83
Алоуддин НЕМАТОВ. Мотуридийлик таълимоти ривожига ҳисса қўшган хитойлик тўрт шайхулислом.....	85
Шукрулло ЖЎРАЕВ. Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний асарларида диний бағрикенглик масаласи.....	87
Малика ТЎХТАЕВА. Ўрта Осиёда Биринчи Ренессанс даври амалий санъатини XX аср санъатшунослари томонидан ўрганилишининг баъзи жиҳатлари.....	89
Жонибек ЖУМАЕВ. Мустақиллик арафасида диний-маърифий соҳа трансформацияси.....	92

ИЖТИМОЙ ИНСТИТУТ

Рустам ШОДИЕВ, Дилрабо АМРИДИНОВА. Жаҳидлик таълимотининг комил инсон тарбиясидаги аҳамияти.....	94
Машҳура РАШИДОВА. Миллий маънавиятимиз тараққиётида қадриятлар ўрни.....	95
Элёр АЛИМКУЛОВ, Раъно УРАЗОВА. Жаҳон динлари миқёсида ой рамзи.....	97
Jaxongir PULATOV. Barqaror taraqqiyot kontekstida inson taraqqiyoti konsepsiyasi.....	99
Mohira ABDULLAYEVA. O'zbekiston hududida bag'rikenglik va vijdon erkinligining ta'minlanishining tarixiy ildizlari.....	100
Xabibullo SADIBAKOSEV, Sirojiddin ABDUVOITOV. Yangi O'zbekiston tashqi siyosatining xalqaro munosabatlar tizimidagi ro'li va istiqbollari.....	104
Хонзода МАДАЛИЕВА. Христианликда муқаддаслик феноменига муносабат-троица.....	106
Жаҳонгир АЛЛАБОЕВ. Меҳнатдан бегоналашувнинг жамият тараққиётига таъсири.....	107
Лола КАРИМОВА. Абдураҳмон Жомийнинг рашҳаларида инсон масаласи.....	109
Маҳмуд ДЕҲҚОНОВ. Маҳалла ва оилани ижтимоий ҳимоялашда фуқаролик жамиятининг ўрни.....	110
Natalya RADJAROVA. Gender tengligi insonning rivojlanish barqarorligining omili sifatida.....	111
Илҳом РИЗАЕВ. Ижтимоий тизимни эркинлаштириш ва жамият тараққиёти.....	113
Алишер ТОЖИЕВ. Ўзбекистоннинг туризм соҳасидаги имкониятлари.....	116

Лазизахон АЛИДЖАНОВА. Ўрта асрларда христианлик таълимотининг тиббиёт ва вабо касаллигига муносабати.....	117
Хосият МУЛЛАЖАНОВА. Тарихий онг ва хотира миллий ўзликни англашнинг омили.....	119
Мирзо ИХТИЁРОВ. Давлат бошқаруви жараёнида телеканалларда ёритиладиган муаммоларнинг фалсафий таҳлили.....	121
Тоҳир ЭВАДУЛЛАЕВ. Зиёрат туризми – туризмнинг энг истиқболли ва манфаатли йўналиши.....	123

ФАЛСАФИЙ МУШОҶАДАЛАР

Соҳибназар КАРИМОВ. Тасаввуф фалсафасида комил инсон масаласи.....	126
Шухрат БОЗОРОВ. Аҳмад Дониш илмий меросининг фалсафий аҳамияти («Наводирул вақое» асари мисолида).....	128
Санжар МУРАДОВ. Фаридуддин Аттор асарларида илм ва маърифат тушунчаларининг фалсафий таҳлили.....	130
Мирзоулуғ МАМАСАЛИЕВ. Соҳибқирон Амир Темурнинг давлат бошқарувидаги фалсафий-ахлоқий масалалар.....	131
Мансур ВАХАБОВ. Тарғибот ва ташвиқотнинг генезиси ва эволюцияси.....	133

ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ


Улуғбек ЯЗДОНОВ, Соҳиба ЯЗДОНОВА. Ўзбекистонда таълим тараққиёти: режалар, марралар, муаммолар.....	135
Saida YULDASHEVA. Innovatsion fikrlash va tanqidiy fikrlashning ta'limdagi o'rni.....	136
Lola XASANOVA, Marg'uba MURATOVA. Yoshlarda vatanparvarlik tuyg'usini kuchaytirish imkoniyatlariga doir fikr-mulohazalar.....	137

МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ

Батырбек ХАШИМОВ. Интернетнинг илмий соҳадаги ўрни.....	139
--	-----

БИР ҲАДИС ШАРҲИ

Расулulloҳ қайтарган уч амал.....	140
-----------------------------------	-----



хозирги Ургут, Тойлоқ, Самарқанд туманлари ва Панжикент кирган [21:108]. Яъни, бу даврда Шовдор тумани рустоққа нисбатан кенгроқ бўлган ҳудудда жойлашган. Шовдор тумани ҳақидаги маълумотлар Самарқандийнинг «Қандия» [22:71] ва Абу Тоҳирхожанинг «Самария» асарларида [23:19, 21, 62], Бу-хоро амирлигига саёҳат қилган инглиз лейтенанти А.Борн ва

бошқаларнинг асарларида келтирилган [24:17].

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, бу рустоқ ва қишлоқлар Суғднинг қадимий халқаро ва маҳаллий савдо йўллари бўйида жойлашган бўлиб, аҳолиси нафақат маҳаллий, балки халқаро микёсда ҳам савдо-сотиқ қилган. Бу эса уларнинг тараққиёт даражаси анча баланд бўлганидан далолат беради.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т. 3. –Т., 2002.
2. Исамидинов М.Х. Истоки городской культуры Самаркандского Согда (проблемы взаимодействия культурных традиций в эпоху раннежелезного века и в период античности). –Т., 2002.
3. Ал-Истахрий. Китабул масолик вал мамолик (Йўллар ва ўлкалар китоби)/Араб тилидан Р.Худайбергандов таржимаси. –Т., 2019.
4. Ибн Ҳавқал. Китоб суратил арз/Араб тилидан Шамсиддин Камолитдин таржимаси. –Т., 2011.
5. El-Makdisi'. Ahsenü't tekâsim fi ma'rifet, Fatih Sultan Mehmet. Istanbul, 2018.
6. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия/Соч. Т. I. М., 1963.
7. Ас-Самъани. Китабул ансаб (Важный источник по истории и истории культуры Средней Азии)/Шамсиддин Камолитдин. LAP LAMBERT Academic Publishing RU, 2018.
8. Хикматуллаев Х., Шоисломов Ш. Ёқут Ҳамавий. –Т., 1965.
9. Лурье П.Б. Историко-лингвистический анализ согдийский топонимии // Дисс. ... канд. филол. наук. –Санкт-Петербург, 2004.
10. Кононов А.Н. Семантика цветообозначений в тюркских языках // Тюркологический сборник. –М., 1978.
11. Ас-Самъоний. Насабнома (ал-Ансоб). (VIII-XII асрда яшаган Ўзбекистонлик олимлар ҳақида маълумот). Араб тилидан А.Бухорий ва К.Раҳимов таржимаси. –Т., 2017.
12. Бегалиев Н.Б., Туробов А.М. Самарқанд топонимияси. –Самарқанд, 2015.
13. Заҳиритдин Муҳаммад Бобур. Бобурнома/Бобурнома асарини ҳозирги ўзбек тилига В. Раҳманов ва К. Муллахўжаева таъдил қилган. – Т., 2008
14. Мукминова Р.Г. К истории аграрных отношений в Узбекистане XVI в. (По материалам «Вакф-наме»). –Т., 1966.

♦ **Аннотация:** Мақолада Самарқанд Суғдининг жануби-шарқида жойлашган Маймурғ, Варафсар, Санжарфағн ва Шовдор каби рустоқларнинг тарихий топографияси ва локализацияси хусусида фикр ва мулоҳазалар билдирилган. **Таянч сўзлар:** Шовдор, Зарафшон, Қаратепе, Вазкарда, Андоқ, Изаж, Идух, Урухс локализация, топография.

♦ **Annotation:** The article comments on the historical topography and localization of rustaks, located in the southeastern part of Samarkand Sogd. **Key words:** Shavdar, Zerafshan, Karatepe, Wazkarda, Andak, Izaj, Idukh, Urukhs, localization, topography.

♦ **Аннотация:** В статье комментируются историческая топография и локализация рустак, расположенных в юго-восточной части Самаркандского Согда. **Ключевые слова:** Шавдар, Зерафшан, Каратепе, Вазкарда, Андак, Изадж, Идух, Урухс, локализация, топография.

XX АСР БОШЛАРИДА СУРХОН-ШЕРОБОД ВОҲАСИНИНГ ЭТНОИҚТИСОДИЙ ТИЗИМИДА ЧОРВАЧИЛИК

ЯНГИБОЙ ТУРДИМУРАТОВ

Тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD),
ЎзДЖТСУ кафедра катта
ўқитувчиси

Этнология фанининг муҳим йўналиши иқтисодий этнология (этноиқтисодиёт) бўлиб, унда этнослар хўжалиги ва иқтисодий фаолияти ўрганилади [10:21]. Иқтисодий этнология деганда, этнос хўжалик негизда шаклланиган ва ҳудудий чекланган анъанавийлик, хусусан, хўжалик фаолиятининг қишлоқ хўжалиги шакли устун бўлган, натурал ва майда маҳсулот ишлаб чиқариш шаклига ҳамда қўл меҳнатига асосланган биқик уй хўжалиги ва ҳунармандлигининг қўлланиши ва шунга ўхшаш хусусиятларга эга бўлган иқтисодиёт сегменти тушунилади [6:14]. У анъанавий иқтисодиётнинг одатий хўжалиги сифатида юксак даражада саноатлашган ва тараққиётнинг барча босқичларида ўз ўрнини эгаллаган. Этнология фанининг бу йўналиши юртимизда етарли даражада ўрганилмаган, бу эса қатор изланиш ва тадқиқотларни тақозо этади.

Иқтисодий этнология ўзига хос захираси, этносларнинг анъанавий хўжалик ва турмуш тарзи билан чамбарчас боғланган ва анча мослашувчан хусусиятга эга. У қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда муҳим ўрин

эгаллайди. Чунки, этносларнинг турмуш тарзида, хўжалик фаолиятининг қатъи назар, чорва маҳсулотлари муҳим аҳамият касб этган.

XX аср бошида Сурхон-Шеробод воҳасининг Боботоғ, Ҳисор

тоғ тизмаларида ва марказий қисмидаги дашт худудларида чорва моллари, айниқса, қўй-эчкилар нисбатан кўп боқилган. Чорва хўжалиги воҳонинг асосан тоғ ёнбағирлари ва дашт худудларида кенг ривожланган. Маълумотларга кўра, бу даврда воҳадаги Шеробод, Денов ва Бойсун бекликларида асосан қўйчилик ривожланган, эчки, от, қорамол ва туя нисбатан кам бўлган. Совет давригача воҳадаги бекликлар иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги етакчи ўрин тутган ва улар амирликнинг қишлоқ хўжалиги нисбатан ривожланган худуди ҳисобланган. Манбаларда айрим бойларнинг қўй-эчкилари 2 мингдан ошқ бўлгани қайд қилинган [2:778].

Маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, Сурхон-Шеробод воҳасида чорва хўжалиги аҳоли турмуш тарзида, аниқроғи, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Буни хўжалиқда ишлатиладиган маҳсулот ва нарсаларнинг вазифасига қараб, шартли равишда иккига, яъни асосий ва қўшимчага бўлиш мумкин. Асосийга транспорт, иш ҳайвони, озиқ-овқат маҳсулоти, хомашё ва ўғит кирадиган бўлса, қўшимчага қалин, тўёна, гаров, ҳадя, қурбонлик жонивори ва бошқалар кирган. Чорва аҳолини транспорт, иш ҳайвонлари (от, эшак, хўкиз, туя) ва озиқ-овқат маҳсулотлари (гўшт, сут ва сут маҳсулотлари), уй хунарсонларини хомашё (тери, жун) билан таъминлаган. Экин ҳосилдорлигини оширишда қўй ва қорамолнинг гўнги ўғит сифатида ишлатилган. Бу хўжалик тури оилаларда маблағ жамғариш ва кўпайтиришдек ўзига хос вазифани ҳам бажарган.

Сурхон-Шеробод воҳасининг тоғли яйловларида қўй боқиш учун ўт-ўлан ва бошқа ўсимликлар сероб бўлган ва бу қўйчилик ривожини учун асосий омил ҳисобланган. Шунингдек, воҳа аҳолисининг асосан қўй гўшти истеъмол қилиши, тирик қўйга нисбатан доимий равишда эҳтиёж бўлгани (қалин таркибида, тўёна сифатида, бошқа оилавий, мавсумий тадбир ва маросимларда), чорва хўжалигида қўйчиликнинг устунлигини таъминлаган. XX асрнинг 60-йилларига қадар Бойсун туманидаги Мачай қишлоғида қорамол гўшти умуман истеъмол қилинмаган [3]. Сабаби узоқ йиллар мобайнида воҳадаги айрим этник гуруҳларда қорамол чорва тури сифатида қаралмаган. Қўйчиликдан жун, гўшт ва теридан бошқа маҳсулотлар, хусусан, кўзиси қоракўлга кетган қўйлардан анчагина сут олинган. Қўй суги таркибида 7-10%, яъни сизир сугига қараганда икки баравар кўп ёғ бўлади [7:11].

Қўйчилик товар хусусиятига эга бўлгани боис соҳибкорлар бу соҳадан катта фойда ортирган. Чорвадорлар орасида йирик савдогарларнинг шериклари бўлиб, уларни “қўй жаллоблари” деб аташган [12:104]. Қўйчиликдан шаҳардаги бойлар ҳам, қишлоқдаги жаллоблар ҳам фойда олган. Воҳада чорва моллари, хусусан, қўйлар фақат озиқ-овқат маҳсулотлари учун боқилмасдан, худуднинг ички ва ташқи савдосида ҳам муҳим ўрин тутган. Чорва моллари аҳоли эҳтиёжини тўла қондиргани боис ортиқчаси амирликнинг турли худудларига, жумладан, қўй-эчкилар Қарши ва Ғузор бозорларига, туя ва отлар эса Қарши, Карки, Калиф бозорларига олиб бориб сотилган [7:400].

Қўй сотиб олиш учун воҳа бозорларига келган савдогарлар (гусфанд жаллоб) чорвани Афғонистон ва бошқа мамлакатларга ҳам олиб кетган. Қоракўл тери ва тирик қўйга талаб катта бўлган. Бу даврда воҳада чорвачилик яхши ривожлангани сабабли чорва маҳсулотларининг нархи унчалик юқори бўлмаган. Молларнинг арзонлиги боис бу ерга нафақат Бухоро, балки Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳарларидан ҳам кўп савдогар келган [9:142]. Қўй жунидан тайёрланган кигиз, шолча, хуржун, турли катталиқдаги халталар ҳам бозорга чиқарилган. Хунарсонлар қўй терисидан пўстин ва телпак, шунингдек, тўшама, меш, саноч ва бошқа уй-рўзғор буюмларини тайёрлаган.

Чорва моллари олди-сотдиси воҳа худудида ҳафтанинг муайян бир кунини ташкил этиладиган молбозорларида амалга оширилган. Бойсуннинг энг йирик бозорлари Бойсун, Дарбанд, Хўжаипок қишлоқларида бўлган. Уларда ҳафтасига бир марта махсус молбозор ташкил қилинган. Юрчи, Денов, Қарлуқ, Янгибозор ва Миршодидаги бозорлар Деновнинг асосий савдо марказлари ҳисобланган.

Гилам тўқиш ва кигиз босиш каби уй хунарсонлиги воҳада

кенг ривожланган, улар учун асосий хомашё қўй жуни ва териси ҳисобланган. Энг қизиғи, терида ишлов бериш, жун титиш, текислаш (тароқлаш), йигириш, кигиз босиш, гилам тўқиш ва тикиш ишлари билан асосан аёллар шуғулланган. Ўтовларда тўшама сифатида қўй терисидан тайёрланган пўстаклардан кенг фойдаланилган. Воҳа айниқса туя жунидан чакмон тайёрлашда ном қозонган. Сержун терида ишлов бериш, яъни ийлаш (ичида узоқ вақт давомида қатиқ ва унинг зардобини, баъзан сут аралашган арпа унини сақлаш билан) орқали супра, пўстин, арғамчи чилвир каби уй-рўзғор жиҳозлари тайёрланган [1:93]. Жун урчуқ билан йигирилиб, узун ўрмақда газлама ва гиламлар тўқилган.

Воҳада сизир ва қўй сугидан қатиқ (қуюқ ва суюқ), қаймоқ, сариеғ, курут, айрон каби маҳсулотлар тайёрланган. Сут соғиш ва сут маҳсулотларини тайёрлаш ишлари билан ҳам асосан аёллар шуғулланган. Қатиқни қувида пишириб, ёғ олишган. Маҳсулотларни махсус халтага солиб, ғор ёки алоҳида жойларда сақлашган. Ёзда сут, ёғ ва қатиқ маҳсулотлари қорамол, қўй, эчки терисидан тайёрланган идишларда сақланган. Масалан, қатиқ ва сариеғни қўйнинг қорнидан (ошқозон) тайёрланган халтада сақлашган [1:75].

Ҳозиргача воҳада келин томонга юбориладиган қалин таркибига бир-нечта қўй ва эчки (улоқ) қўйиш одати сақланиб қолган. XX аср бошида қўнғирот уруғи қалинга 50 тадан 100 тагача қўй қўшган. Боботоғ дўрмонларида эса 100 бош қўй ва 10 бош қорамол, 4та от берилган. Шунинг учун ҳам дўрмон уруғига мансуб айрим эркаклар қалинган имконияти йўқлиги сабабли камдан кам ҳолларда 40 ёшдан олдин уйланган [5:83]. Тўй маросимларида меҳмонлар, айниқса, яқин қариндошлар имкониятига қараб қўй, эчки, хўкиз, от ва туяни тўёна қилган [14:18]. Воҳада ҳозиргача мавсумий, диний ва оилавий маросимларда қурбонлик сифатида асосан қўй сўйилади. Тўй ва мавсумий тадбирларда (Наврўз, ҳосил байрами) ўтказиладиган кўпқари ва кураш мусобақаларида эса ғолибларга соврин сифатида от, туя, хўкиз ва қўй берилган [4].

XX аср бошида Сурхон-Шеробод воҳасининг чорвачилигида қўйчиликдан кейинги ўринда йилқичилик турган. Чунки, бу даврда отлардан фақат ҳарбий мақсадларда эмас, балки транспорт воситаси ва деҳқончиликда иш кучи сифатида фойдаланилган. [11]. Улар хирмон янчишда, юк ташишда ва кўпқарида (улоқда) ҳам истифода қилинган [14:191]. Воҳада ота-она ва яқин қариндошлар имкониятидан келиб чиққан ҳолда ўғил фарзандларига от (той) ҳадя қилган.

Отлардан воҳа аҳолисининг хўжалик ишларида аравага қўшиладиган уй жонивори сифатида, чўпонлар учун яйловларда отарни боқишда (ҳайдашда), деҳқон хўжаликларида ҳосил ташиш ва ўрмон-йиғим ишларида, маҳсулотларни бозорга етказиш ва камдан-кам ҳолларда шудгор ишларида фойдаланилган. Тегирмон ва мойжувозлар ҳам от билан ҳаракатга келтирилган. Умуман олганда, отлар хўжаликнинг барча тармоқларида ва аҳолининг ижтимоий ҳаётида муҳим ўринга эга бўлган.

XX аср бошида бутун мамлакатда бўлгани каби Сурхон-Шеробод воҳасида ҳам қорамол билан асосан тоғолди ва лалми ерларда яшовчи зироаткор ўтроқ аҳоли шуғулланган. У ерлардаги табиий шароит қорамол учун жуда қулай бўлган. Чорва моллари қарийб йил давомида яйлов ўти билан боқилган: баҳорда ва ёзда тоғолди ва тоғли яйловларда, кузда эса қишлоқлар яқинидаги анғизларда. Ярим ўтроқ аҳоли орасида деҳқончилик ишлари учун хўкиз боқиш қўйчилик каби товар хусусиятига эга бўлган. Хўкиз нафақат шахсий хўжалик, балки бозор учун ҳам боқилган. Улар талаб катта бўлган сўғорма деҳқончилик туманларида сотилган. Ўтган аср бошида воҳада битта хўкиз 15-30 тилло турган [9:136].

Чорва озукаси етишмаслиги ўтроқ аҳолининг қорамол боқиш имкониятларини доим чегаралаб келган. Шунинг учун воҳада қорамол ўрнини тўлдиришда ўзига хос мавсумий икки йўналиш бўлган: кузда боқилган қорамол бозорга чиқариб (баҳорда сотиб олинган) сотилган ва озғин қорамол сотиб олинган. У баҳоргача боқилиб, яна чиқариб сотилган [13:54]. Бозорда омоч 4-5 ботмон (1 ботмон – 128 кг) буғдой нарҳида баҳоланган. Хўкиз гўштига (вазнига) қараб эмас, балки соғлом ва ўсувчанлигига қараб баҳоланган. Омочга қўшиладиган

хўкиз ёшлигидан танлаб олинган. Шу сабабли нархи анча баланд бўлган.

Чорва хўжалигида меҳнатни ташкил қилиш, эрак ва аёл ўртасидаги меҳнат тақсимоли деҳқончилик билан шуғулланувчи аҳоли хўжалигидан фарқ қилган. Масалан, қўйчилик устун бўлган чорвадорлар хўжалигида аёллар қорамол билан, эраклар қўйчилик билан шуғулланган. Тоғли зироатчи аҳоли, хусусан, тожиклар орасида аёллар фақат чорвани ёзги яйловга ҳайдашда иштирок этган. Эраклар деҳқончилик билан шуғулланиш учун қишлоқда қолган

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бўриев О. Ўзбек оиласи тарихидан: Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари турмушидан тарихий-этнографик лавҳалар. – Т.: Ўқитувчи, 1995.

2. Варьгин М.Н. Опыт описание Кулябского бекства // Известия ИРГО. – СПб., 1916. т. 57.

3. Дала ёзувлари. Бойсун тумани Мачай қишлоғи. 2010 йил.

4. Дала ёзувлари. Қумқўрғон тумани Очамойли қишлоғи. 2007 йил.

5. Жданко Т.А. К вопросу о хозяйственно-культурном типе полуседлых скотоводов-земледельцев-рыболовов дельтовых областей Средней Азии // Этнография и археология Средней Азии. М., 1979.

6. Колесников Ю.С. Этноэкономика в судьбах модернизации юга России // Экономический вестник Ростовского государственного университета. – Ростов-на-Дону. Том 1. – № 2, 2003.

7. Муқсимов С.М. Ўзбекистонда қўйчилик экономикаси. – Т.:

[14:129]. Бундай одам қорақалпоқларда ҳам бор [5:152].

XX аср бошида Сурхон-Шеробод воҳасида чорвачилик хўжаликнинг муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга тури ҳисобланган. У озиқ-овқат ва даромадни таъминлашдан ташқари, қўшимча маблағ жамғариш, транспорт, иш кучи, қарз олганда гаров, тўёна, ҳады, қурбонлик жонивори, инқирозли пайтларда жон сақлашнинг муҳим кафолати сингари вазифаларни ҳам бажарган. Чорва моллари нафақат чорвадорлар, балки зироатчи ўтроқ аҳоли турмушида ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Ўзбекистон, 1972.

8. Очилдиев Ф. Сурхон воҳаси бекликларида ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар. – Т.: Abu matbuot-konsal, 2008.

9. Ремез И.А. Внешняя торговля Бухары до мировой войны. Под редакцией Д.П. Красновского. – Т.: Издание ЦСУ Туркменской Республики, 1922.

10. Садохин А.П. Этнология. Учебник. – М.: Гардарики, 2005.

11. Сурхондарё вилоят Давлат архиви. 521-фонд, 1-рўйхат, 40-иш, 198-варақ.

12. Тошев Х. XIX аср охири – XX аср бошларида Зарафшон ўзбекларининг хўжалиги ва ижтимоий турмуши. – Т.: Фан, 1987.

13. Хидоятлов И. О характере сельского хозяйства многонациональных районов Сурхандарьинской области в дореволюционное время // Советская этнография. – № 2, 1970.

14. Шаниязов К. Основные отрасли животноводства в дореволюционном Узбекистане // Хозяйственно-культурные традиции народов Средней Азии и Казахстана. – М.: Наука, 1975.

♦ **Аннотация:** Ушбу мақолада XX аср бошида Сурхон-Шеробод воҳасининг этноиқтисодий тизимида чорвачиликнинг ўрни ва аҳамияти, хусусан, бу хўжалик юртиш турининг аҳоли турмуш тарзидаги ўзига хос вазифалари таҳлил қилинган бўлиб, тарихий манбалардан бу даврга оид қизиқарли маълумотлар келтирилган. **Таянч сўзлар:** иқтисодий этнология, этноиқтисодиёт, воҳа бекликлари, чорвачилик, чорва маҳсулотлари, товар хусусияти, уй хунармандлиги, молбозор.

♦ **Annotation:** The article analyzes the role and importance of animal husbandry in the ethno-economic system of the Surkhan-Sherabad oasis at the beginning of the twentieth century, in particular, the specific functions of this type of economy in the lifestyle of the population, provides interesting information from historical sources. **Key words:** economic ethnology, ethnoeconomics, oasis beks, animal husbandry, livestock products, commodity characteristics, domestic crafts, livestock markets.

♦ **Аннотация:** В статье анализируется роль и значение животноводства в этноэкономической системе Сурхон-Шерабадского оазиса в начале XX в., в частности, специфические функции этого вида хозяйства в образе жизни населения, приводятся интересные сведения из исторических источников. **Ключевые слова:** экономическая этнология, этноэкономика, оазисные бекства, животноводство, продукция животноводства, товарные характеристики, домашние промыслы, животноводческие рынки.

“ЧОРЧИНОР” СЎЙЛАГАНДА...

ИХТИЁР КУШШАКОВ

Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий ходими

Мамлакатимизда миллий-маънавий қадриятларни тиклаш, буюк аждодларимизнинг бой меросини ўрганиш ва тарғиб этиш, уларнинг ҳоқиқат абадий қўним топган мақбарадан обод қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Нақшбандия тариқати вакили, маърифатпарвар ва мутафаккир аллома Валихон Ургутий хотирасига ҳурмат-эътибор кўрсатиш ва уни абадийлаштириш мақсадида Ургут шаҳридаги “Чорчинор” мавзесида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

“Чорчинор” Ургут шаҳридан 2 километр масофадаги тоғ тепалигида жойлашган зиёратгоҳ ва оромгоҳдир. Халқ орасида баъзан “Юқори чинор” деб ҳам аталади. Бунинг сабаби Ургут шаҳридан 1,5 километр қуйида шунга ўхшаш “Пастчинор” зиёратгоҳи ҳам бор. Иккисига ҳам дунёнинг кўплаб мамлакатларидан меҳмонлар келади.

Тарихий маълумотларга кўра, бу мавзенинг зиёратгоҳга айланишининг сабабларидан бири араб халифалигининг саркардаси Хожа Абу Толиб Сармаст билан боғлиқ. У халифаликнинг Ургутдаги бошқарувчиларидан бири бўлиб, “Чорчинор”даги машҳур зилол чашма атрофига тўртта чинор эктирган. У тахминан 253/866-67 йилда вафот этган, шу ерда дафн этилган. Кейинчалик бу зиёратгоҳ “Хожа Чорчинор”, деб аталган.

Абу Тоҳирхожа “Самария” асарида “Чорчинор” ҳақида: “Ҳазрат Хожа Абу Толиб Сармастнинг марқади қабристоннинг жануб томонидаги тоғда, Самарқандга қарашли ер бўлган Ургутдадир. Ушбу қабр тепасида минорага ўхшаш узун ва йўғон чинорлар бор. Бу ерда бир тегирмонлик сув берадиган булоқ

ҳам бор. 1207/1792 йили қабристоннинг кунчиқар томонида илм эгаларини яхши кўрувчи, Минг уруғидан бўлган Каттабек девонбеги йирик мадраса солдирган. Ҳозир талабалар ўқийдиган бир шинамгина жойдир. Абу Толиб Сармастнинг таржимаи ҳоли белгилик эмас. У бурунги замон валиларидан. Самарқанд шаҳридан чамаси беш тошлик (40 чақиримлик) йўл” [1:54], деб маълумот беради.

Унинг қабр тошида қуйидаги ёзувлар борлигини аниқладик.

عجلوا بالصلوة قبل الفوت عجلوا بالتوبة قبل الموت

Намоз вақти қазо бўлмасдан олдин уни адо этишга шошиллинг,

Ўлимдан олдин тавба қилишга шошиллинг.

خواجه خواجهكان ابو طالب بسکه سرمست کشت ازمی راز

Хожаларнинг хожаси Абу Толиб,

Ишқ майдан маст бўлди.

اژبراي جناب حضرت او جبهه سايند زایران به نیاز

Абу Толибнинг остонасини зиёрат қилмоқ учун

Эрондан ташриф буюрар эдилар.